3 – илова

**Тариф (ҚҚС ва Махсус устама ҳақ билан)**
Сув 1 м³ 2925 сўм
Оқова 1 м³ сўм

**ШАРТНОМА № 01/02-2022**

**«05» январ 2021 йил** **Ширин шахри**

“Сирдарё сув таъминот” МЧЖ Ширин шахар бўлими номидан рахбар **Н.Қурбонов** кийинги уринда мазкур “Низом” бўйича “Таъминотчи” деб аталади, иккинчи томондан Ширин шахар ХТБ кейинги ўринда “Низом” бўйича “Истеъмолчи” чи деб номланувчи номидан рахбар Ж.Жуманазаров,ушбу шартномани тузлик.

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. Таминотчи икки томонлама келишилган шартномага асосланиб (ташкилотлар, ишлаб-чиқариш, хўжалик хиссобидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар,маиший хизмат кўрсатувчи шахобчалар ва бошқа турдаги улгуржи истеьмолчилар) ўз ишлаб чиқариш техник имкониятидан келиб чиққан холда Истемолчига 2022 йил учун чегаралаб берган (лимит) 5933 м³ ичимлик сувини етказиб беради, оқова сув тармоғидан фойдаланувчи жойларда ичимлик сувининг миқдорига тенглаштирилган холда 2022 йил учун чегаралаб берилган (лимит) 11847 м³ окава сувини кабул қилади, марказий иссиқ суви таминотига эга булган жойларда иссиқ сув хиссблагичи булмаса,меъерий хужжатлар 3-тупламининг 4.9 бандига асосланиб 1.3 каэффициент билан оқова сувига кушиб хиссоб-китоб килинади. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқлаб берилган 1м³ ичимлик сувининг таннархи (ККС қушилиб) 2925 сум,м³ окава сувининг тан нархи 1430 сум

1.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”ни O’zDSt 950: 2011 “Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати” амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

Агарда “Истеъмол”чи чегаралаб берилган ичимлик ва окова сувларини ортиқча сарф килганда кўрсатилган нархларинининг бир ярим баробар микдорида хиссоб-китоб килинади, нархлар ўзгарганда ёзма равишда хатлар, газета ва ойнаи жахон орқали эълон килинади,эълон килинган кундан бошлаб кучга киради ва янги таннархлар билан хисоб-китоб килинади. “Истеъмол”чи янги тан нархлар узгарган кундан бошлаб қушимча чегарали суммалари олишлари шарт булади.

1.3. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлиги ёпилиши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камида 30 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур. “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамғалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

1.4. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

1.5. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;
F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ичқи диаметр бўйича)м² ;
g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;
H – сувнинг метрлардаги босими;
t – вақт- 24 соат, секундларда;

**Қуйидаги ҳолатларда:**

1.5.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз холатда);

1.5.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйҳатдан ўтмаган тақдирда;

1.5.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда,автомашиналар ювилганда;

1.5.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 1 қисмининг 1.5. бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйҳатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

1.6. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агнетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини хисобга олиш ускунасинин ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.08.2019 йилдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

1.7. Ўт ўчириш жумраклари ва гидрантлар “Таъминотчи”нинг ишончли вакиллари томонидан тамғаланади ва бу хакда икки томонлама далолатномалар тузади ва ундан рухсатсиз фойдаланиш такикланади.

1.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”лар томонидан тайинланган вакилларсиз сув хисоблаш ускуналарини ўрнатиш,техник рухсатномалар олиш,ичимлик сувини узлари ишлаб чикаришга эга булган корхоналар томонидан “Таъминотчи”нинг рухсатисиз оқова суви тармоғига уланиб олиш ёки чикариш ташлаш такикланади, манна шундай холатлар аникланганда далолатномалар тузилиб жаримага тортиладилар.

## 2.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. “Истеъмолчи” ичимлик ва окова сув кувурларидан фойдаланиш қоидасига ва техник хафсизлигига риоя килиш,ичимлик сувларини исроф булишини олдини олиш, тамғаларни бузиш,ичимлик ва оқова сув қувурлари жойлашган жойларини назорат килиш учун “Таъминотчи”нинг вакилларини қаршиликсиз киритиш шарт.

2.2. “Истеъмолчи” сув хисоблаш ускунасини (СХУ) уз хисобидан олиш ва урнатиш мажбуриятини олади хамда ичимлик ва окава сув кувурлари ускуналарига жавобгар шахс (Н.Омонкулова) ни ишончли вакил этиб тайинлайди.

2.3. “Истеъмолчи” истеъмол килинган ичимлик ва окова суви хаккини “Таъминотчи” томонидан берилган хисоб-тулов варакаси ва солиштирма далолатномалри буйича келгуси ойнинг 10 санасигача тулаб бериш мажбуриятини олади, тулов уз вактида амалга ошмаган хар бир кун учун 0,4 % микдорда жарима тулайди.

а) “Истеъмолчи” шартномада келишилган микдордан ортикча ичимлик сувини истеъмол килганда, ўз бошимчалик билан ичимлик ва окова сув тармокларига уланганда, ёки олдиндан 100% пул маблагини олдиндан туламаганда ёки муддати утган дебитор карздорликлари мавжуд булган холда ичимлик ва окова сув таъминотидан тухтатилади.

2.5. Ичимлик сув ва окова суви кувурлари хужалигини кайта куриш ва уланиш “Таъминотчи” томонидан тасдикланган техник шартлари асосида бажарилади.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: GB10346441

2.6.“Таъминотчи” “Истеъмолчи”га ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини кабул килиб олишда чегаралаб берилган ичимлик сув микдорини тулик етказдириб бермаганлиги аникланса, кейинги ойлар чораклар ва йилнинг охирги кунигача етказдириб бериш мажбуриятини олади.

2.7.“Таъминотчи” ичимлик суви ва окова сувларининг асосий тармокларидаги шикастланишларни киска вакт ичида бартараф этиш мажбуриятини олади.

2.8. “Истеъмолчи” ичимлик ва окова сув хажми тугрисидаги хисоботларини хар ойнинг **25 санасигача** ўзининг ишончли вакиллари оркали “Таъминотчи”га такдим этиш, манзили ёки хисоб раками узгарганда ёзма равишда “Таъминотчи”га хабар бериш шарт.

2.9. Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини “Истеъмолчи” лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун “Истеъмолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент миқдор тартибида ҳисобланади.

2.9.1. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов талабномаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

3.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг ўз вактида хизмат туловини амалга оширмаганлиги учун сув тармогидан узиш ёки кискариши натижасида мулкий жавобгарлик мажбуриятини олмайди .

3.2.“Истеъмолчи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги 5241-сонли “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш сохасидаги тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги Фармонига Фармонига асосан ичимлик сув учун олдиндан 100% тўловни амалга оширади.

3.3.Агар “Истеъмолчи” хизмат туловини уз вактида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир куни учун 0,4 % микдорида устама пеня тулайди ва бу устама пеня суммаси асосий карздорлик суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

3.4.Ушбу шартнома талаблари окибатида томонлар бир–бирига етказдирилган моддий ва маънавий зарарлар “Таъминотчи” ёки “Истеъмолчи” томонидан далолатномалар тузилган холда копланади.

## IV. ФОРС-МОЖОР:

4.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

4.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

4.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## V. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР:

5.1.Ушбу шартнома асосида томонлар уртасида ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини кабул килиб олиш шартномавий муддатини узайтиришда ёзма равишда хатлар оркали ёзма хабар беришлари шарт.

5.2. Шартноманинг амал килиш муддати «05» январ 2022 йилдан «31»декабр 2022 й.гача.

5.3.Шартномага узгартириш киритиш ёки уни бекор килиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида амалга оширилади.

5.4. Томонлар уртасида ечилмай колган шартлар жавобгар жойлашган хукукий органлар оркали хал килинади.

5.5. Шартнома 2 нусхада тузилган, икала нусхаси бир хил хукукий кучга эга.

**Ичимлик суви учун йиллик чегарали сумма: Ўн етти миллон уч юз эллик тўрт минг йигирма беш сум**

**Окова суви учун йиллик чегарали сумма:Ўн олти миллон тўққиз юз қириқ бир минг икки юз ўн сум**

Жами сумма: 17354025 сум (Ўн етти миллон уч юз эллик тўрт минг йигирма беш ) Сум шу жумладан бюджет хисобидан : 17354025 сум(Ўн етти миллон уч юз эллик тўрт минг йигирма беш )

## VI . ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“Таъминотчи”**

**“Сирдарё сув таъминот” МЧЖ Ширин шахар бўлими**
Ширин ш. Буюк Турон кучаси
Тел: 67-764-38-34
Х/р:22638000700134816416
Ипотека банк Гулистон ш.
МФО: 00364, ИНН 200323842

ОКОНХ:
Рахбар: ____________________

М.Ў.

**“Истеъмолчи”**

Ташкилот номи Ширин шахар ХТБ
Манзил: Х.Дустлиги кучаси
Тел/ фак 764-59-78 х/р:100022860244107092100075008
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 201169313
ОКОНХ 97600
Газначилик булинмаси номи Ширин газначилиги
Газна х/р:23402000300100001010 Банк номи Тош шахар Мар БББХККМ
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИР 201122919
Рахбар Ж.Жуманазаров

М.Ў.

Мен хукукшунос________________________20____йилдан Адлия бошкармаси томонидан хукукшунослик килиш уч[illegible]нман ва менга № ____ ракамли хукукшунослик гувохномаси берилган. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг барча конун талабларидан келиб чиккан холда тузилган ва икки томоннинг хукук ва манфаатлари химояланганлигини тасдиклайман.________________________

**Ширин ш "ХТБ" ва "Сирдарё сув таъминот"МЧЖ Ширин шахар бўлими ўртасидаги 2022 йил "05" январдаги № 01/02-2022 сонли шартномага**

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

| № | Ойлар номи | Ўлчов бирлиги | | Микдори | Нархи | Суммаси | Жами Сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Январ | ичимлик суви | м.куб | 4297,00 | 2925,00 | 12568725,00 | 12568725 |
| | | оқова суви | м.куб | 0 | 0 | 0 | |
| 2 | Феврал | ичимлик суви | м.куб | 818,00 | 2925,00 | 2392650,00 | 2392650 |
| | | оқова суви | м.куб | 0 | 0 | 0 | |
| 3 | Март | ичимлик суви | м.куб | 818,00 | 2925,00 | 2392650,00 | 2392650 |
| | | оқова суви | м.куб | 0 | 0 | 0 | |
| | Жами: | ичимлик суви | | 5933,00 | | 17354025,00 | 17354025 |
| | | оқова суви | | 0 | | 0 | |

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

| "Таъминотчи" | "Буюртмачи" |
|---|---|
| **" Сирдарё сув таьминот "МЧЖ Ширин шахар бўлими** | **Ширин ш "ХТБ"** |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| **Манзил: Ширин шахар** Буюк Турон кучаси | **Манзил: Ширин ш. Х.Дўстлиги кўчаси** |
| **Тел/Факс:** 764-38-34 | **Тел/Факс:** 764-59-77 |
| **Х/В: 22638000700134816416** | **ш/х: 100022860244107092100075008** |
| **Банк номи: Ипотека банк гулистон Ш** | **МФО: 00014 Стир: 201169313 Оконх: 97600** |
| **МФО: 00364 Стир: 200323842** | Ғазначилик бўлинмаси номи<br>Молия Вазирлиги Ғазначилиги ЯГХ |
| **Оконх:** | **Ғазна х/в:** 23402000300100001010 |
| | **Банк номи: МБ ББ ХККМ** |
| | **МФО: 00014** |
| | Ғазначилик бўлинмаси **СТИР: 201122919** |
| **Рахбар:** | **Рахбар: Ж.Жуманазаров** |
| (имзо) | (имзо) |
| **МЎ** | **МЎ** |

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: XL7675728212

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma № GB10346441

**2.Loyihaning nomi**: ШАРТНОМА 01/02-2022.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi Shirin shahar Xalq ta`limi bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 26-yanvarda kiritilgan.

**XULOSA**: Shartnoma loyihasi O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xojalik yurituvchi sub`ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunining 10-14, 24-35-moddalari, O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 26-27 boblari, O`zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to`g`risida"gi Qonuni, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi "O`zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to`g`risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari togrisida"gi PQ-3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to`g`ridan-to`g`ri shartnomalar bo`eicha xarid qilinadigan(ishlar, xizmatlar) RO`YXATI" talablari asosida ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig`i** **SH. Alikulov**

*2022 yil 26-yanvar*